

IX. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ИШ ҲАҚҚИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 969,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 11729 кишига ёки 1,6 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони¹⁾ (2018 йил 1 октябр ҳолатига бирликда)

	Жами аҳоли	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Вилоят бўйича:	969 757	471 318	498 439
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	135 925	135 925	-
Зарафшон	82 079	82 079	-
<i>туманлар:</i>			
Кармана	126 541	44011	82530
Конимех	29 951	10 641	19 310
Қизилтепа	148 543	47 611	100 932
Навбаҳор	110 276	16 008	94 268
Нурота	90 617	53 837	36 780
Томди	14 424	4674	9 750
Учкудук	37 038	32 118	4 920
Хатирчи	194 363	44 414	149 949

¹⁾ дастлабки маълумот

Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши
(2018 йил 1 октябр ҳолатига, фоизда)



Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январ-сентябрда

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	15425	15942	517	21,7	22,1
Ўлганлар	3309	3068	-241	4,7	4,3
Табиий ўсиш	12116	12874	758	17,0	17,9
Никоҳлар	6463	6329	-134	9,1	8,8
Ажралишлар	852	741	-111	1,2	1,0

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январ-сентябрида туғилганлар сони 15942 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (15425 киши) нисбатан 517 тага ошган. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,1 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (21,7 промилле) нисбатан -0,4 промиллега ошган.

¹⁾ дастлабки маълумот

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳар (20,7 дан 21,7 промиллега), Навбахор (20,2 дан 21,3 промиллега), Қизилтепа (20,2 дан 21,3 промиллега), Томди (13,6 дан 15,0 промиллега), Хатирчи (23,1 дан 23,7 промиллега) туманларида ошгани кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январ-сентябрида ўлганлар сони 3068 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (3309 киши) нисбатан -241 тага камайди. Ўлим коэффиценти мос равишда 4,3 промиллени ташкил қилди (2017 йил январ-сентябрида – 4,7 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Зарафшон шаҳар (3,5 дан 3,8 промиллега), кўпайгани кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 63,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,4 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,0 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 1,8 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 7,7 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлар, ҳамда 12,0 бошқа касалликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январ-сентябрида бир ёшга тўлмаган 112 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 7,2 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январ-сентябрида 9,8 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 88,3 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 5,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,8 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (январ-сентябр ойларида бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	6463	6329	852	741
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	959	916	219	195
Зарафшон	437	437	104	76
<i>туманлар:</i>				
Кармана	910	850	121	95
Конимех	164	153	23	19
Қизилтепа	1 032	911	101	86

¹⁾дастлабки маълумот

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Навбаҳор	768	823	83	61
Нурота	565	600	33	35
Томди	42	48	4	7
Учқудук	224	234	43	43
Хатирчи	1 362	1 357	121	124

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январ-сентябрида ФХДЁ органларида 6329 та никоҳлар ва 741 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,8 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 9,1 та) ва 1,0 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) га тўғри келди.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январ-сентябр ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 9811 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 10 956 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 1145 кишига (2017 йилнинг шу даврида манфий 503 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Навоий шаҳрида (манфий 1 297), Зарафшон шаҳрида (манфий 442), Қизилтепа (манфий 164), Учқудук (манфий 464), Хатирчи (манфий 216) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари (январ-сентябр ойларида 1000 аҳоли сонига)


	Тузилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	21,7	22,1	4,7	4,3	17,1	17,9
<i>шаҳарлар:</i>						
Навоий	20,1	21,4	5,1	4,9	15,0	16,5
Зарафшон	21,7	21,7	3,5	3,8	18,2	17,9

¹⁾ дастлабки маълумот

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾

<i>туманлар:</i>						
Кармана	23,1	21,9	5,3	4,6	17,8	17,3
Конимех	21,7	21,8	7,3	4,4	14,4	17,3
Қизилтепа	20,2	21,3	4,2	4,1	16,0	17,2
Навбаҳор	21,2	21,8	4,6	3,9	16,6	17,9
Нурота	22,7	22,9	5,3	4,8	17,4	18,0
Томди	13,6	15,0	4,3	4,1	9,3	10,9
Учқудуқ	24,8	24,0	4,7	3,8	20,2	20,2
Хатирчи	23,1	23,7	4,2	4,0	19,0	19,7

Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январ-сентябрда
(Ҳар 1000 кишига)



2018 йил январ-сентябр ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (дастлабки маълумот)

Иш ҳақи. 2018 йил январ-сентябр ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда: Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 2214,6 минг сўми ташкил этгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Учқудуқ туманида 3 179,5 минг сўми (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 143,6 %), Зарафшон шаҳрида 3 011,5 минг сўми (135,9 %) ташкил этган бўлса, Конимех туманида 1 268,6 минг сўми (57,3%), Хатирчи туманида 1 212,2 минг сўми (54,7 %), Қизилтепа туманида 1 186,9 минг сўми (53,6 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи* (минг сўмда)


	2017 й.	2018 й.	2017 йил январ-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Навоий вилояти	2 096,3	2 214,6	105,6
Навоий ш.	2 313,1	2 299,3	99,4
Зарафшон ш	2 731,2	3 011,5	110,3
Кармана	1 414,2	1 586,8	112,2

	2017 й.	2018 й.	2017 йил январ-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Конимех	1 116,1	1 258,6	112,8
Қизилтепа	1 141,4	1 186,9	165,3
Навбаҳор	1 438,3	1 468,6	102,1
Нурота	1 339,5	1 358,6	101,4
Томди	1 293,7	1 453,8	112,4
Учқудук	2 848,2	3 179,5	111,6
Хатирчи	1 154,6	1 212,2	104,9

**) Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз.*


2018 йил январ-сентябр ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 105,6 фоизга ошгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Қизилтепа тумани 165,3 %, Конимех туманида 112,8%, Учқудук тумани 111,6% ва Томди туманида 112,4% га ўсгани кузатилди.

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2017 йил январ-сентябрга нисбатан, % да)



**Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**

(2018 йил январ-сентябр, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуши жами иқтисодий фаолият турларига нисбатан саноатда (137,0 %), молиявий ва суғурта фаолиятида (136,8 %), қурилишда (104,8 %), савдода (93,2 %), Ахборот ва алоқада (81,4 %), Ташини ва сақлаш (70,9 %), Таълимда (59,9 %), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (50,4 %) ва бошқа йўналишлар (70,2 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.